

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'ZENERGOINJINIRING" AJ

Объявление

"O'ZENERGOINJINIRING" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Аудиторлик ташкилотлари диққатига!

“O'ZENERGOINJINIRING AJ

аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов элон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Жамиятнинг ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботнинг аудитини халқаро (МХХС) ва миллий (БХМС) стандартларига мувофиқ текшириш, СМК , СИК ва уларнинг 2023 йил якуни бўйича амалга ошириши фоизлари ҳисоб-китоларининг тўғрилигини текшириш бўйича аудит хизматларни харид қилиш “etender.uzex.uz” махсус электрон платформасидан фойдаланган ҳолда энг яхши таклифни танлаш орқали амалга оширилади.

1. Танлов ўтказиладиган манзил-100076 Тошкент ш. Яшнобод тумани М.Ашрафи кўчаси, 1 тор кўча 9 уй.

2.Хизматларнинг батафсил тавсифи-Жамиятнинг ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботнинг аудитини халқаро (МХХС) ва миллий (БХМС) стандартларига мувофиқ текшириш, СМК , СИК ва уларнинг 2023 йил якуни бўйича амалга ошириши фоизлари ҳисоб-китоларининг тўғрилигини текшириш

3. Хизматларнинг бошлангич нархи -52 980 000 сўм.

4. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар:

-қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жарайонида бўлмаслик;

-мижоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмаслик;

-илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлар бўлмаслиги;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ барча зарур сертификатларга, лицензияларга далилларга эга бўлиш.

- бошқа техник ва тижорат талабларига мувофиқ харид ҳужжатлар бўлиши.

5. Ҳужжатни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар: танловда қатнашиш учун иштирокчилар etender.uzex.uz сайтига ўз таклифини харид ҳужжатларига мувофиқ тақдим этишлари керак. харид ҳужжатларида қуйдагилар инобатга олинган: танлов элониди

кўрсатилган маълумотлар; валюта, толов тартиби ва етказиб бериш шартлари тўғрисидаги маълумотлар; танловда иштирок этиш учун таклифни мажбурий тайёрлашга қўйиладиган талаблар; иштирокчиларга танлов учун харидлар ҳужжатлари қоидалари бўйича тушинтиришлар бериш тартиби, бошланиш ва тугаш саналари; бошлангич баҳо, техник топшириқ, баҳолаш мезонлари ва таклифларни кўриб чиқиш тартиби ва бошқалар.

6. Танловда қуйдаги ташкилотлар иштирок этиши мумкин

-19.09.2018 йилдаги №ПҚ-3946 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори талабларига жавоб берадиган янги турдаги лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлар

-Халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича камида 3 йиллик тажрибага эга бўлган ташкилотлар

-иштирокчининг хизматларнинг дастлабки қиймати билан танловда қатнашиш таклифи;

-тегишли лицензия нусхаси;

-ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (иш тажрибаси, халқаро ташкилотларга аъзолик, энг йирик мижозлар рўйхати ва бошқалар), шу жумладан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

-суғурта полисининг нусхаси ва бошқа маълумотлар.

-малака сертификатлари, халқаро сертификатлар нусхалари.

-аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтинг баҳолашда иштирок этганлигини тасдиқловчи маълумотлар.

Таклифни тақдим этишининг охириги муддати ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 кун ичида белгиланади.

Алоқа учун:tel. (0371) 291-87-24. +998 90 969-47-55 эл.почта info@ uzenergoeng.uz,
uzenergoeng@mail.ru

26.05.2023

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/15542/>

Дата: 07.05.2026